
Қоратепа маҳалласидаги 50 йиллик кўприк таъмирланиб,
кенгайтирилмоқда

Ўзбекистон туманидаги Қоратепа маҳалласи бўйлаб ўтган Катта Фарғона канали
устигаги кўприк ҳудудни кўплаб қўшни маҳаллалар билан боғлашга хизмат
қилади. Таъкидланишича, мазкур кўприк 1970-йилларда барпо этилган.

Вақт ўтиши билан таъмирга муҳтож ҳолга келиб қолган мазкур кўприк, айти
қунларда аҳоли мурожаатлари ҳамда манзилли дастур асосида таъмирланмоқда.

Таъмирлаш ишлари билан биргаликда, кўприкнинг икки томони кенгайтирилиб
ҳайдовчи ва пиёдалар учун қулайликлар яратилмоқда. Мазкур қурилиш-
таъмирлаш ишларига дастур асосида 900 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланиши
белгиланган.





2023-02-07 10:09:58